

Оталар-оила таянчи



Шу муносабат билан бугун, 16 сентябрь куни туманининг 1-сектор ҳудуди “Баҳор” маҳалласи 2-умумтаълим мактабида, 2-сектор ҳудуди “Бойбулоқ” маҳалласи 29-умумтаълим мактабида, 3-сектор ҳудуди “Ғуржак 1” маҳалласи 5-умумтаълим мактабида ҳамда 4-сектор ҳудуди “Қорабоғ” маҳалласидаги 34-умумтаълим мактабида сектор раҳбарлари ва бошқа масъуллар иштирокида “Оталар йиғилиши” ўтказилди.

Йиғилишда таълим тарбияга эътибор қаратиш, кийишлар маданияти, уларнинг дунёқараши, миллий менталитетимиз ва жамиятимиз ривожланишида ёшларнинг ўрни, уларни муносиб ҳаёт кечиришлари учун ҳозирдан муҳим касбларга ўргатиш, фарзанд тарбиясида оталарнинг ўрни ҳақида фикр мулоҳазалар юритилди.